

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуригимиз бўлсин!

Обуна бўлинг!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 29 октябрь • сешанба № 41 (881)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz

www.insonvaqonun.uz

www.insonvaqonun.adliya.uz

“Инсон ва қонун”



Сиз билан,
Сизнинг
ҳимоячингиз,
Сизнинг
маслаҳодчингиз

Нашр кўрсаткичи — 137

Ўқув-машғулот

Тил — миллат юраги фахр-ифтихоридир

МАЪЛУМКИ, бу йил “Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганлигига 24 йил тўлди. Ушбу сана республикамизда кенг нишонланди. Адлия вазирлигида ташкил этилган “Тил — тараққиёт ва маънавият омили”, деб номланган навбатдаги ўқув-машғулот ҳам ана шу санага бағишланди. Тадбир меҳмони ЎЗМУ профессори Бахтиёр Минглиев тилининг инсон ҳаётида туганган ўрни, унинг бой имкониятлари ҳамда тараққиётидаги хизматлари ҳусусида сўз юритди. Жумладан, тил — миллатларни, халқларни, боғловчи восита, шунингдек, ҳаётнинг маънавиятини либоси эканлигига алоҳида тўхталиб, она тилимизни асраб-авайлаш ва уни бойитиб бориш зарурлигини таъкидлади.

— Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши тилимизнинг макени янада оширди. Она тилимизнинг ушбу мақомга эришиши катта ижтимоий воқеа бўлди. Иш ҳужжатларини юритиш, таълим-тарбия жараёни ўзбек тилида олиб боришда, кўча номлари, хисоб ва географик объектларнинг номлари ўзбек тилида аталмоқда. Маълумотларга қўра, дунёда уч мингдан зиёд тил мавжуд бўлиб, шундан атиги 200 дан ортиги давлат тили мақомига эришган. Улар қаторида ўзбек тилининг борлиги ҳар биримизни гурурлантиради”, — дея таъкидлади нотиқ.

Шунингдек, машғулот меҳмони она тилимизнинг бебаҳо имкониятлари ва сузларни қўллашдаги меъёрлар, тилининг грамматик қоидаларидан фойдаланишдаги муаммолар ҳусусида фикр юритди.

Ўзбекистон Қасрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов таъкидлаганидек, “Она тили умуммиллат мулкидир, демак тил олдидаги масъулият ҳам умуммиллий. Унутилган сузларни тиклаш, борини бойитиб бориш, ҳорижий атамаларга муносиб истилоҳлар топиш ёлғиз тилшуносларнинг эмас, миллатнинг ишидир”. Шу боис тилимизни абдийлаштириш ҳар биримизнинг муқаддас бурчидандир.

Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси

Хорижий инвестиция

Сармоядорлар ҳуқуқлари ҳимояси

давлат органлари ҳамкорлигини
кенгайтирмоқда

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси томонидан тижорат банклари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигида хорижий инвесторлар, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга бағишланган анжуман ташкил этилди.

СУЗГА чиққанлар хорижий инвесторларга ўз даромадларидан эркин фойдаланиш бўйича имтиёзли тартиб жорий этилган, инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётига кенг-роқ жалб этиш учун ҳуқуқий, иқтисодий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитлар яратилган, жумладан, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг қаролатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонунлар инвестициявий фаолият раётига хизмат қилганлигини таъкидлади.

Анжуманда мамлакатимизда шакллантирилган қўлай инвестициявий муҳит натижа-сида тайер ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар, жумладан, хорижий сармоядорлар иштирокидаги корхоналар фаолиятини раёбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш имкониятлари ортиб бораётганлиги, бу мақсадлар учун тижорат банкларининг кредитлар портфели миқдори такомиллаш-ётгани, товарлар импорт-экспорти билан шуғулланувчи хорижий инвесторларга ўз даромадларидан эркин фойдаланиш бўйича имтиёзли ва қаролатлар тартиби жорий этилганлиги, “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини раёбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон билан белгиланган солиқ имтиёзлари таътиб этилганлиги субъектлар доираси кенгайтирилганлигини қўшимча доирасида иштирокчиларга тушунтирилди.

Тадбир сўнггида тадбиркорлар, шу жумладан, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ўзаро ҳамкорлиқни қучатириш, ишлаб чиқарувчиларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда банкларнинг имтиёзли кредитлари аҳамиятига оид тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Сайлов олдида

Сайловлар фаровонлигимизга хизмат қилади

Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Светлана ОРТИҚОВА билан суҳбат



ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда фуқароларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш мақсадида “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили ҳаётга изчил таътиб этилмоқда. Пировардида, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш соҳасида амалга оширилган ислохотлар узининг ижобий самараларини берди. Бунинг нафақат халқимиз, балки дунё жамоатчилиги эътироф этмоқда.

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2013 йил 12 сентябрдаги “Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қарорига асосан жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилади. “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири ҳамда айни кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида шу жараёнда қизгин тайёргарлик ишлари тўғрисида Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Светлана ОРТИҚОВА билан “Туркистон-пресс” нодавлат ахборот агентлиги мухбири суҳбатда бўлди.

— Юртимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг янги босқичида нодавлат нотиқорлар ташкилотларини, шу билан бирга, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор натижаида уларнинг Ўзбекистонда демократик, ҳуқуқий, фуқаролик жамияти барпо этишдаги

роли тобора ошиб бормоқда, — дейди Светлана Ортиқова. — Ўз навбатида, фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, фуқаролар йиғинлари фаолиятини кенгайтириш, айнаса, уларнинг демократик қадриятларини асраш, инсонларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг иқтидорларини

рўёбга чиқариш, ижтимоий-иқтисодий фаолиятини оширишдаги фаолияти муҳим ўрин тутди.

Албатта, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада кенгайтириш унинг қонунчилик тизимини мустаҳкамлашга тақозо этиди. Шу боис мустақил тараққиёт йилларида юрти-

мизда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига доир бир қатор қонунлар қабул қилиндики, улар энг аввало, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ролини оширишга қаратилган. Қолаверса, ушбу масалани ҳал этишда маҳаллани аниқ

2

Адлия вазирлигида

Натижалар таҳлил этилди

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Адлия вазирлигининг кенгайтирилган Ҳай’ат мажлисида адлия органлари ва муассасалари томонидан жорий йилнинг 9 ойи давомида амалга оширилган ишлар ва голдаги вазифалар атрофида муҳокама этилди.

ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида 40 мингга яқин ҳуқуқий тарғибот тадбири ташкил этилди. Худудий адлия органлари томо-



бўйича давлат рўйхатида олиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Шунингдек, қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бораида 10 та назорат тадбири ўтказилди. Адлия органлари томонидан тадбиркорлар ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш соҳасида ўтказилган таҳрирлар натижаида бўйича қўлланилган таъсир чораларига асосан давлат органларининг 3,5 мингдан ортиқ қонуний ҳужжатлари ижроси тўхтатилди ва бекор қилинди. Судларга 102 миллион сўмдан ортиқ давво аризалари киритилди. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва

нидан фуқаролар муносабатларини ҳар томонлама кўриб чиқиш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва қонун ҳужжатларини туркумлаш соҳаларида ҳам самарали ишлар амалга оширилганлиги қайд этилди. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган ҳокимлик қарори лойиҳалари, давлат ҳисобига олинган қарорлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ошганлиги, қонун ҳужжатларига зид бўлган қарорларни бекор қилиш ёки ижросини тўхтатиш бораидаги фаолият самарадорлиги таъминланаётганлиги қайд этилди.

Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тош-

кент вилояти адлия бошқармаси фаолиятини ўрганиш яқунлари билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама этилди.

Қайд этилганидек, мазкур худудий адлия органларида ижобий ишлар билан бир қаторда, иш юритиш ва ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш, юридик хизмат фаолиятини такомиллаштириш, ҳуқуқий экспертиза, киритилган таъсир чоралари самарасини ошириш, иш режаларини тузиш бораида айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилган. Мажлисда мазкур адлия органлари раҳбарларининг бу борадаги ахборотлари тингланди ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли вазифалар белгиланди.

Ҳай’ат йиғилишида Вазирлар Маҳкамаси жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларида бағиш-лаб ўтказилган йиғилишдан келиб чиққан ҳолда адлия органлари ва муассасалари олдидаги вазифалар юзасидан фикр юритилди. Адлия органлари ва муассасаларининг қонун ижодкорлиги, суд ижро ва ҳуқуқни қўллаш бораидаги фаолиятини янада қучайтириш, норматив ҳуқуқий ҳужжатлар экспертизасини янада такомиллаштириш, ҳуқуқий тарғибот тадбирлари қўламини кенгайтириш, юридик таълимнинг миллий рейтингини ошириш, инсон ҳуқуқлари, тадбиркорлик ва шартномавий ҳуқуқий ишларда суд ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлиқни тизимли йўлга қўйиш, ФХДЕ ва нотариат органларида ҳужжатлар билан ишлашда қонунчиликни таъминлаш бўйича қилиниши лозим бўлган ишлар атрофида муҳокама этилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати



Бир йилда икки марта ҳосил

МАМЛАКАТИМИЗ пиллакорлари тажриба тариқасида такрорий пилла етиштиришни йўлга қўйди.

— БУ БОРАДА водий вилоятлари, Хоразм, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарь қаби вилоятларида яхши курсаткиларга эришилди, — дейди республика Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги пиллачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Қажҳор Евкочдиев. — Хар қути пилла уруғидан 40-50 килограммгача ҳосил олинди. Эътиборлиси, пилла сифати баҳоридан қилинмайдиган.

Пиллачиларга баҳорда хар бир килограмм ҳосил учун 5200 сўм хар туланган бўлса, такрорий ҳосил учун 10000 сўмдан хар туланмоқда.

Ўзма-ўз мулоқотлар

— ЎЗБЕКИСТОН экологик ҳаракати Сингапурнинг Атроф-муҳит бўйича Кенгаши билан ҳамкорликда “Эко-туризмни ривожлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, атроф-муҳит муҳофазасини яхшилаш ва экологик қонунларни такомиллаштириш масалаларида тажриба алмашиш”га бағишланган ўзбек-сингапур семинарини ўтказди, — деб хабар беради ЎЗМУ талабаси Муаттар Ниёзматова.

АНА ШУНДАЙ навбатдаги учрашув кеча Тошкент метрополитени ходимлари билан ўтказилди. Учрашув “Поездлар ҳаракати хавфсизлиги бораида Тошкент метрополитенида олиб борилаётган ишлар” мавзўига бағишланди.

Қиш эшик қоқмоқда

ҚИШ мавсумига тайёргарлик ишлари қизгин паллага кирган айни кунларда Урганч шаҳрида газ баллонлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Урганчгазаш” масъулияти чекланган жамияти фаолияти йўлга қўйилди.

ЛОЙИҲА қиймати 7 миллион сўмни ташкил этган ушбу корхона энг илғор технологиялар билан жиҳозланган бўлиб, бу ерда йилига 15 минг дона газ баллонлари ишлаб чиқариш қуввати яратилди.

Нимчорак финалда

Ўзбекистон Футбол Федерацияси расмий сайти хабарига қараганда, 17 ёшгача бўлган Ўзбекистон (U-17) ўсирлар терма жамоаси кеча жаҳон чемпионатининг нимчорак финалида Гондурас жамоасига қарши тўп сурди.

24 ОКТЯБРЬ куни футбол бўйича Ўзбекистон ўсирлар терма жамоаси Бирлашган Араб Амирикларида давом этаётган жаҳон чемпионати гуруҳ босқичи 3-тури доирасида Хорватия ўсирлар терма жамоасига қарши майдонга тушиб, 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Ушбу ғалаба Ўзбекистон ўсирлар терма жамоасига тарихда иккинчи мартаба жаҳон чемпионати нимчорак финалига йўлланмани қўлга киритиш имконини берди.


Жаҳондаги энг қиммат автомобиль

“TOYOTA” яна дунёдаги энг қиммат автомобиль бренди сифатида “BMW” ва “Mercedes” ни ортада қолдириб, дунёдаги энг қиммат автомобиль бренди номини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

ЯПОН брендининг қиймати 35,3 миллиард АҚШ долларига баҳоланди.

Хабарларни “Инсон ва қонун” мухбири Зайниддин МАМАДАЛИЕВ саралади.

тараққиётга хизмат қилмоқда



Зафар ОЛИМОВ,
директор бошқармаси
масъул ходими

пар билан, уларнинг ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари билан Ғуқароларни таништиришдан иборат. Ғуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни демократик ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда кучли Ғуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг гоят муҳим омили бўлган ошқоралик, муқобиллик ва тенг сарф ҳуқуқи тасоийллари асидда таъйирлаш ва ўқатишириш боришини кенг ёритиш бўйича самарали ахборот-таҳлил ишлари олиб бориш, шунингдек, сайлов жараёнига ёшлар ва хотин-қизларни фаол жалб этиш, уларнинг иштигоий-иқтисодий фаоллигини ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш сайлов жараёнининг муҳим йўналиши ҳисобланади.

**“Туркистон-пресс”
НАА мухбири
Улуғбек АСРОРОВ
суҳбатлашди.**

НИКОҲ ТУЗИШГА МОНЕЛИК ҚИЛИШНИНІ КЎРСАТДИ

ни нисқонинг салбий жиҳатлари мавжудлигини ҳаётий мисоллар асосида тушунтирдик. Шундан сўнг ҳолава-чақалар вилоят скрининг марказига бориб, лаборатория таҳлилини топширишди. Бунини қарангки, таҳлиллар қариндошларнинг қон гуруҳи бир-бирлари билан низоҳ тузишга монелик қилишини кўрсатди. Бинобарин, орадан икки ҳафта ўтиб, томонлар яна келишди ва тўғйи тўғатганликларини айтиб, бизга миннатдорчилик билдиришди.

Эки яна бир мисол. Фарзандаги туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома олиш учун келган Солиҳон Туланога туя ташуқн кайфиятда эди. Одатда, бундай пайтда ота-лар хурсанд бўлишди. Ил-литининг айтишича, ота-она-си дастлаб унга холасининг қизиқи олиб беришган. Вақ-ти-соати етгач, икки ёш фар-зандли бўлган. Лекин чака-лик ноғирон туғилган. Эри-га аввалдан кўнгилсиз э-бўлган келин шў бахона ке-тиб қолган. Солиҳон иккин-чи оиласидан туғилган фар-занди учун гувоҳнома ола-ни келганда бошидан ўтказ-ганларни эслаб турган экан.

Шунинг учун ФХДЭ бўлимида ҳар ойда икки мартаба ўтказилаётган "Оиддорилфунуни", касб-хунар коллежларида ташкил этилаётган "Ёш оила курувчилар мактаби" ўқув-машғулотида ёшларга, уларнинг ота-оналарига қонуний никоҳнинг афзаллиги, эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари ҳисобига батафсил тушунча берилмоқда.

Зухраҳон ЭРМАТОВА,
Данғара тумани ФХДЁ
бўлими мудир

Хаётжон НАСРУЛЛАЕВ,
Давлат солиқ кўмитаси
техник бошқармаси
бўлим бошлиғи

корхонага қимматга тушди

Шукуржон ХОЛМАТОВ,
Фарғона вилояти адлия бошқармаси
масъул ходими

ИНТЕРАКТИВ ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ҲАҚИДА

Президентимизнинг 2012 йил 21 мартдаги “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, давлат ва ҳужайка бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ахборот тизимларини лойиҳалаштиришда зиммаларига юклатилган вазифалар дорисида тадбиркорлик субъектлари ҳамда

Карса ижросини таъминлаш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси томонидан бугунгунда 29 хил турдаги интерактив хизматлар юридик ва жисмоний шахслар учун Давлат солиқ қўмитасининг расмий "www.soliq.uz" сайти орқали қўрсатиб келинмоқда.

Шундай хизматлардан бири "СТИРингизни аниқлан" интерактив хизмати бўлиб, ушбу хизмат ёрдамида жисмоний шахс солиқ идорасига келмасдан интер-

СТИРни аниқлаш учун фамилия, исм, туғилган сана, паспорт серияси ва рақами-ни кўрсатиш кифоя. Интерактив хизмат Давлат солиқ қўмитасининг солиқ тўловчи жисмоний шахслар ягона реестридан сўров шартларига



Жамоатчилик назорати

Хар бир фуқаро
фаол бўлса

самара кўзга ташланади



ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги **“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”** номли маърузасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатлари ижро этилиши устидан фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган **“Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”**ги Қонунни қабул қилиш фурсати етганлиги таъкидланган. Жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш зарурлиги ўқитилган.

Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши жамоатчилик назорати вазифаларини аниқ белгилаб беради. Шу боис қонун лойиҳасида фуқаролик институтлари томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга йўналтирилган қонун ҳужжатларини давлат ҳокимияти ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан ижро этилишини назорат қилиш, жамиятда ижтимоий адолат тамойилини рағбатлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш каби муҳим масалалар қамраб олинган.

Маълумки, жамоатчилик назорати мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти учун аниқлиқ эмас. У азал-азалдан маҳаллалар, оқсоқоллар кенгаши кўринишларида амал қилиб келган. Муқтабчилик йилларида ҳам жамоатчилик назоратини олиб боришга алоҳида эътибор берилмоқда. Жамоатчилик назоратига оид қонун ва нормалар юртимизнинг амалдаги қонунларида, шу жумладан, **“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”**ги, **“Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолати тўғрисида”**ги, **“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”**ги қонунларда ўз ифодасини топган.

Жамоатчилик назорати, деганда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан уларнинг қонунга риоя қилишларини, ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришларини кузатиш ва назорат қилиш мақсадида фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари — сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, қасаба уюшмалари, оммавий ахборот воситалари томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар тушулган. Шу билан бирга жамоат ташкилотлари нафақат давлат ҳокимияти ва бошқаруви, балки барча фуқаролар ҳамда нодавлат ва нотижорат ташкилотларнинг қонунга риоя этишларини ҳам назорат қилади.

Жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг асосий вазифалари — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, мансабдор шахслар фаолиятининг қонунчиликни таъминлаш; жамият манфаатларини ҳимоя қилиш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида фуқаролик жамияти институтларининг самарадорлигини оширишдир.

Фуқаролар жамоатчилик назоратини амалга оширишда ўзлари бirlашган жамоат ташкилотлари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали ҳамда шахсан ўзлари конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда давлат органларига ариза ва тақлифлар билан мурожаат этиш орқали иштирок этишлари мумкин.

Бундай ҳолатда фуқароларнинг ўзларидан ҳам юксак ҳуқуқий маданият, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини чуқур тушуниш, амалдаги қонун ҳужжатларини билиш талаб этилади.

Жамиятда ижтимоий муаммоларнинг ечимини топишда унинг аъзолари бўлиши фуқароларнинг фаолияти зарур. Зеро, жамоатчилик назорати ижтимоий ҳодисадир. Хар бир фуқаро фаол бўлгандагина, унинг самараси кўзга ташланади.

Ҳамдамбек РАСУЛОВ,
Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасининг Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлими бошлиғи

МАМЛАКАТИМИЗДА тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун кенг имкониятлар яратилган. Айниқса, тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш, улар учун солиқ юкнинг пасайтирилиши, солиқ ҳисоботларининг содда-лаштирилиши соҳанинг янада тараққий этишига яхши омил бўлаётти.

ТАДБИРКОРЛИКНИ жадал ривожлантиришни рағбатлантириш, мамлакат иқтисодиётида унинг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш мақсадида Президентимизнинг бир қанча фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосланиб, бир қатор ингиллиқлар бериб келинмоқда.

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг “Давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний

ланган солиқни ундириш тартибини белгилайди.

Жисмоний шахслар томонидан давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳолатларини аниқлаш давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилиши белгиланган бўлиб, мазкур Низом яқна тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлмаган фаолият турларини амалга ошираётган жисмоний шахсларга татбиқ этилмайди.

рўйхатидан ўтмасдан амалга оширувчи жисмоний шахс тўғрисидаги маълумотларни қатъий белгиланган солиқнинг йиллик суммасини ҳисоблаш учун жисмоний шахснинг доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига юбориши белгиланган.

Жисмоний шахс эса ўттиз кун ичида солиқ суммасини тўлаши ёки ўшбу муддат давомида яқна тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиши лозим.

Давлат рўйхатидан белгиланган муддатда ўтмаган ва йиллик ҳисобланган сумма тўланмаган тақдирда ҳисобланган солиқ қарзи Солиқ кодексига белгиланган тартибда ундирилади.

Иқтисодиёт ва имконият

Фаолиятда ҳалоллик бўлса

даромадда барака бўлади



шахслардан қатъий белгиланган солиқни ундириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори 2013 йил 31 майда 2463-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган эди.

Ўшбу қарордан қўзланган асосий мақсад республикада жисмоний шахсларнинг ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига чек қўйиш ва уларнинг қонунга хилоф равишда савдо ишлари билан шуғулланишларининг олдини олишдир.

Низомнинг асл маъно ва мазмунига эътибор берадиган бўлсак, ўшбу Низом давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслардан қатъий белги-

Конунбузарлик ҳолатлари аниқланган тақдирда давлат солиқ хизмати органлари ходимлари белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома расмийлаштириши, икки иш кўни давомида тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга оширган жисмоний шахсга мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги қатъий белгиланган солиқнинг йиллик суммасини тўлаш тўғрисидаги талабномани тақдим этиши, агар жисмоний шахснинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жойи унинг доимий яшаш жойидан фарқ қилса, икки иш кўни давомида Низомнинг 2-иловасига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини давлат

Қорақалпоғистон Республикаси давлат солиқ идоралари томонидан ўшбу қонун ҳужжатининг ижросини таъминлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ачинарлиси шундаки, имтиёз ва преференциялар берилмаётган бўлишига қарамай, ноқонуний ҳаракатлари билан соғлом рақобат муҳитига путур етказётган, солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлайётганлар ҳам учраб турибди.

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича жорий йилнинг июнь ва июль ойлари давомида ўтказилган рейд текширишлари натижасида жами 925 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланди. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7

январдаги **“Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”**ги қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятига тўғри келадиган фаолият турлари билан шуғулланган жисмоний шахслар сони 426 тани ташкил этиб, қатъий белгиланган солиқнинг йиллик суммасини тўлаш тўғрисидаги талабномалар уларга тўлиқ тақдим этилган ва бугун кунда ўшбу жисмоний шахсларнинг аксарияти давлат рўйхатидан ўтиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда.

Мисол учун, Мўйноқ тумани ДСИ ходимлари томонидан 2013 йилнинг 7 август кўни ўтказилган рейд текширувлари давомида туманда истикомат қилувчи Салтанат Абдираманова давлат рўйхатидан ўтмасдан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сотиб, ноқонуний фаолият юритаётганлиги аниқланган. ДСИ ходимлари тегишли тартибда ҳўжжатларни расмийлаштириб, давлат рўйхатидан ўтиш тўғрисида талабнома берган ва бугунги кунда Салтанат барча ҳўжжатларни рўйхатдан ўтказиб, ўз фаолиятини қонуний равишда йўлга қўйишга эришди.

Тўртқўл туманида яшовчи Атаназар Юлдашев, чимбойлик Мийрихан Сапарбаева фаолияти билан боғлиқ ҳолатларни ҳам мисол сифатида қўшимча қилиш мумкин.

Ўқоридна тилга олинган Низом тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг фаолиятини қонун доирасида амалга оширишга, юртимизда тадбиркорлар сонининг ортишига, республикаимизнинг иқтисодий ривожланишига хизмат қилади. Фақат тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган ҳар бир фуқаро ўз манфаатидан халқ, эл-юрт манфаатини устун қўйиб, бу борада ҳўкуматимиз томонидан қабул қилинган қонун ҳўжжатларига ҳўрмат билан қараб, унга амал қилиш талаб этилади.

Зеро, тадбиркорлик фаолиятида ҳалоллик бўлса — ишида ривож, даромадида эса барака бўлади.

Полат НУРИЛЛАЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи

Афсуски, бугун бундай вазиятларга кўп ҳолларда ёшларнинг ўзлари сабабчи бўлмоқда. Вақтинчалик ҳўю ҳавасларга берилиб, ниҳонсиз оила қуришмоқда. Бундан эса мағрур бошлар эгилиб, очиқ чехралар шувут бўлмоқда.

Бир доғишманд айтган экан: “Никохдан ўтиш мажбурий эмас, лекин никохдан ўтдингми унинг қонун қоидаларига бўйсунмишга мажбурсан”. Шундай экан, бугун оила қуриш арафасида турган ёшларга айтар сўзимиз, энг аввало, ўз ота-оналарининг розилигини олсин ва қонуний никохдан ўтишни асло унутмасин. Зеро, ноқонуний никох юқоридаги каби ҳолатларга сабаб бўлади.

Ситора РАШИДОВА,
Каттақўрғон шаҳар ФХД бўлими мудир

Хабарингиз борми?

Янги технология

синовдан ўтказилмоқда

ДУНЁДА биринчи бўлиш кишига қанчалар лаззат бағишлайди. Тошкентдаги Ўзбекистон Геномика ва биоинформатика марказининг бир гуруҳ олимлари ҳам шундай бахтга муяссар бўлганлардан.

Гап шундаки, улар дунёда биринчи бўлиб янги технология кашф этишди. Бу технология гўза генларига таъсир ўтказиш йўли билан ҳўслини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, толанинг узунлиги ва қўрғоқчиликка чидамлигини оширишга асосланган.

Мазкур технология асосида пахтанинг “Порлок-1”, “Порлок-2”, “Порлок-3” ва “Порлок-4” навлари яратилди ҳамда бу навлар турли ҳудудларда синовдан ўтказилмоқда.

Жорий йилда ўшбу технологияга халқаро миқёсда патент берилди.

Ҳўзир республикаимиздаги махсус уруғчилик ҳўжаликларида янги технология асосида уруғ етиштириш бошлаб юборилган.

Яна бир гап. Фанлар академияси қўшидаги Генетика ва экспериментал биология институтидида айни чоғда қишлоқ ҳўжалиги экинларининг хашоратларга, патоген омиларга ҳамда шўрланмишга чидамлигини белгилловчи бошқа генларини аниқлаш ва уларга ишлов бериш бўйича ҳам қатор тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Бундан ташқари, “сарик зант”га чидамли бўғдой навларини яратиш ва картошка ҳўслини оширишга қаратилган тадқиқот ишлари бошлаб юборилган.

(Ўз мухбиримиз)

Реклама ўрнида

Ишончли ҳамкор

корхонамиз ривожига хар томонлама кўмак бермоқда

РЕСПУБЛИКАМИЗДА олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлардан асосий мақсад иқтисод ва ижтимоий соҳалар ривожини таъминлаш орқали мамлакатимиз аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, фаворонлик, тинчлик ва тотувликни таъминлашдан иборат.



МАМЛАКАТ ялпи ички маҳсулотидида кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорлик ўлушини ошириш, рақобатбардош, маҳаллий ҳомашёдан импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортга мўлжалланган юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, бу орқали ички бозор талабини қондириш масаласи долзарб бўлиб турибди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда мебелсозлик соҳаси мустақил тармоқ сифатида ривожланиб бормоқда. Соҳанинг умумий ривожланиши учун мебел ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фаолият юритишларига рўхсатномалар бериш, хизматларни сертифициклаш масалалари давлат томонидан қатъий назоратга олинган. Мебелсозлик соҳасидаги тадбиркорлик давлат томонидан хар томонлама кўллаб-қувватланмоқда. Мазкур соҳа маҳсулотларига доимий талабнинг мавжудлиги фаолиятнинг тез ва тўхтовсиз амалга оширилишига кенг имкониятлар яратмоқда.

Фаргона вилояти Ўзбекистон туманида фаолият юритиб келаётган “Наврўз” хўсусий кичик корхонамиз жамоаси ҳам ўшбу имкониятлардан фойдаланган ҳолда аҳолига сифатли, замонавий ва нисбатан арзон мебеллар ишлаб чиқариш ҳамда корхона фаолиятини ривожлантириш ни мақсад қилган. Корхонамизда турли хилдаги мебел маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида “Асак” банк Марғилон филиали кўмағида бир неча лойиҳаларни амалга оширдик.

2013 йилда корхонамизда турли хилдаги мебел маҳсулотлари кўзга қўринган, замонавий тусда фаолият олиб боровчи мебел ишлаб чиқарувчи корхона ҳисобланади. Вилоти аҳолисининг турмуш эҳтиёжлари учун зарур бўлган барча турдаги мебел жиҳозлари ишлаб чиқаришмоқда.

Келажақдаги режаларимизни амалга оширишда “Асак” банк доимо бизни кўллаб-қувватлашига ишонамиз. Шу фурсатдан фойдаланган ҳолда мамлакатимиз тадбиркорларига шўни айтмоқчимизки, “Асак” банк — ишончли ва сигнал ҳамкор. “Асак” банкнинг хар томонлама маддади бизнинг корхонамиз фаолиятига муҳим кўмак бўлмоқда. Бундан кейин ҳам “Асак” банк мажмурияти ва кўмағида хайрли ҳамда эзгу ишларга муносиб ҳиссамизни қўйиш ниятидамиз.

Ҳўломжон НИШОНОВ,
“Наврўз” ХКК раҳбари

Норасида гўдакда нима гуноҳ?

У жаҳл отига минган котилнинг қўрбонига айланди

ИНСОННИ тириклик нўматидан бебаҳра этиб, ҳаёт шамини бевақт сўндириш ҳеч ким ҳақли эмас. Шу боис Бош қўмитасининг 24-моддасида “Яшаш ҳуқуқи хар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир”, дея қатъий белгиланган. Аммо...

ТўРАҚЎРҚОН туманида яшовчи Музаффар Мухиддинов бундан олишнинг истамай, қўлини қонга белади.

У анча йил илгари Умида Ботирова билан турмуш қўрган. Бироқ бирор-бир иш ёки ҳўнарнинг бошини тутиб, рўзгор тебратилиши ўйламади.

Хуллас, Музаффарнинг ишсизлиги туфайлими ёки бошқа боисданми, эр-хотин ўзаро жанжаллашиб қолди. Жанжал шу даражага бориб етдики, Умида тугун-тўқмоғини кўтариб, ота-онасиникига кетворди. Чўнки турмуш ўртоғининг хўрмача қилиқлари аёлнинг ҳиқилдоғига келганди.

Ким билади, дейсиз балки Музаффар “Орадан беш-олти кўн ўтгач, ўзи кириб келади”, дея хотинининг қайтишига умид боғлагандир. Аммо Умида бундай қилмади. Шўнинг учун эр бўлмиш ўзи кўнғирок қилишга мажбур бўлди.

— Отангизда қанонгача ўтирмоқчисан? Яхшиликча уйга қайт, — деди у ҳол-аҳвол сўрашган.

Бироқ рафиқаси Музаффарнинг сўзини рад этиб, уйга қайтмаслигини билдирди. Аёлнинг итоатсизлиги Музаффарнинг жаҳлини чиқарди. Ўзини босишга хар қанча уринмасин, бунинг уддасидан чиқолмади. Жаҳл чиққанда ақл кетар, деганларидек дарғазаб Музаффар рўзгор пичоғини чўнтағига солиб, қайнотасиники томон йўлга тушди.

Музаффар тор кўчага бурилган маҳали бир қўлида сумка, бир қўлида бир ёшли қизалогини кўтариб олган Шаҳноза Ҳамроева рўпарадан келаётганди. Қўчаннинг торлиги ва шошиб тургани боис Музаффар Шаҳнозага туртилиб кетди. Шаҳноза лом-ним, демади. Лекин Музаффар... алам ўтида она-болага ташланди ва ўта шафқатсизлик билан норасида гўдакнинг кўрак қисмига, қорнига кетма-кет тиг ўрди. Сўнгра Шаҳнозага ҳам шундай ҳамла қилди. Қўтилмаган ваҳшийликдан юраги ёрилаётган Шаҳноза пичоқ зарбидан ўзини ўнглолмай, қизини қўчоқлаганча ерга йи-

Жиноятга жазо муқаррар



қилди. Аммо инсоний қўфасини йўқотган йигит ҳали ҳовуридан тушмаганди.

Кўз ўнгида боласидан айрилаётган Шаҳноза бор овози билан бақира бошлади. Шўндагина Музаффар нима иш қилиб қўйганини англаб етди. Англади-ю, ўша заҳотиёқ воқеа жойидан қочди.

Бу пайтда аёлнинг ёрдам сўраб бақирганидан кўчага чиққан Мирзавали Мамажонов Музаффарнинг қўчиб кетаётганини кўрди. Она-боланинг аҳволига қўзи тушган, дарҳол тез қариди. Бироқ бечора қизаниннинг воқеа жойидаёқ жони узилганди. Шифокорлар томонидан тез ва малакали тиббий ёрдам қўрсатилиши натижасида эса Шаҳнозаниннинг ҳаёти сақлаб қолинди.

— Шифокорларга раҳмат, ҳаётимни сақлаб қолишди. Лекин ҳали бир ярим ёшга ҳам етмаган болаҳоним энди йўқ. Хўш, кимдир оиласи билан жанжаллашган бўлса, бизда нима айб? — дея суд мажлисида кўз ёшларини тўхтатолмай, қўрсатма берди Ш.Ҳамроева.

Албатта, мазкур воқеадан хабар топган ёки мақолани ўқиган хар қандай кишида Музаффарнинг ақли расолигига шўба уқониси табиий. Аммо 2012 йил 27 ноябрда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг руҳий клиник шифохонаси томонидан унинг жиноят содир этган пайтда ўз қилишларини оқибатларига қўйиш ётгани, яъни ақли расо бўлгани ва тиббий ётсинидаги мажбурият чорасига муҳтож эмаслиги тўғрисида ҳулоса берилди.

Бундан қарангки, котил суд мажлисида айбини тан олишнинг истамиди. Бироқ тўпланган далиллар, экспертиза ҳулосалари ва гувоҳларнинг қўрсотмалари унинг қилишларини фўш этди. Жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти судининг ҳўкми билан у узок муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Қонун устуворлиги таъминланган жамиятда ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди. Бироқ қўтилга берилган жазо ҳали ақлини ҳам таниб улгурмаган Шаҳлохоннинг ҳаёти ва онаизор тортаётган фарзанд доғининг ўрнини боса олармиди?

Сардор НИШОНОВ,
Наманган вилояти прокуратураси бўлим прокурори,
Хўршид СУЛТОНОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

